



141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,  
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2  
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «8» сентябр

№ 623-ч

Зирабулоқ геология қидирув экспедициясига геология қидирув ишларини олиб бориш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 25-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Зирабулоқ геология қидирув экспедицияси бошлиғи К.Сафаровнинг туман ҳокимининг номига геология қидирув ишларини олиб бориш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги 2016 йил 08 август кундаги №17-09-09-01-918-сонли хатини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"нинг хулосасини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нуробод тумани Улус массивидаги "Ғаллакор ривож" фермер хўжалиғи ҳисобида бўлган №1848-контурдан 2,0 гектар лалмикор, "Ғаллакор хазинаси" фермер хўжалиғи ҳисобида бўлган №1859-контурдан 5,5 гектар лалмикор, "Юртим қувончи" фермер хўжалиғи ҳисобидаги №1851-контурдан 15,0 гектар лалмикор, туман ҳокимлиги заҳира ер ҳисобидаги 4,5 гектар лалмикор, жами 37,0 гектар ер майдони Зирабулоқ геология қидирув экспедициясига геология қидирув ишларини олиб бориш учун 2 (икки) йил муддатга ажратиб берилсин ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси"нинг хулосаси тасдиқлансин.

2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев) га Зирабулоқ геология қидирув экспедицияси ва туман ҳокимлиги ўртасидаги ер хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

3. Зирабулоқ геология қидирув экспедицияси бошлиғи К.Сафаровдан:  
- ажратилган ер майдонида ер структурасини сақлаш;  
- геология қидирув ишлари тугатилгандан сўнг, ер майдонида қайта тиклаш-таъмирлаш (рекультивация) ишларини амалга ошириш сўралсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг икхисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси га тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари (Б.Тожиёв) зиммасига топширилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов